

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши раиси,  
Инновацион ривожланиш вазири

*И.Абдурахмонов*  
И.Абдурахмонов



### Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида ўтказилган сайёр йиғилишининг 19-сон

#### БАЁНИ

2022 йил 8 сентябрь

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани

**Раислик қилди:** Ш.И. Отажонов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши котиби, Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари, Пахтачилик кенгаши фаолияти йўлга қўйиладиган Сирдарё вилояти Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳи аъзолари, “Poly Tex Sirdaryo” МЧЖ пахта тўқимачилик кластери мутасаддилари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, илмий ташкилотлар раҳбарлари ва илмий ходимлари (*рўйхат бўйича*)

#### КУН ТАРТИБИ:

**Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида пахта хомашёсини қабул қилиш  
ва қайта ишлашга тайёргарлик ишларининг ҳолати тўғрисида**

*(Ш.Отажонов, И.Кулматов, А.Холов, Г.Кутлиева, С. Зиқирева,  
А.Примкулов, Б.Мамарахимов, Ф.Хасанова, Қ.Жуманиёзов, Ш.Отажонов)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши фаолиятини

Йўлга қўйишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги йиғилишининг 2022 йил 5 июлдаги 1-сонли ҳамда 2022 йил 12 июлдаги 3-сонли баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида **2022 йил 8 сентябрь** куни Сирдарё вилояти **Сайхунобод туманида** – **“Poly tex Sirdaryo” МЧЖ** ҳудудида пахта экилган майдонларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши котиби, Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Отажонов раҳбарлигидаги Пахтачилик кенгаши аъзолари, унинг бошқарув гуруҳи аъзолари ҳамда туманлар ишчи гуруҳлари аъзолари иштирокида бевосита пахта экилган майдонлардаги ҳосилнинг бугунги ҳолати ва пахта қабул қилиш пунктларидаги тайёргарликлар ҳолатини ўрганиш ташкил этилди.

Ўрганишлар натижасига кўра Ишчи гуруҳ томонидан “Зарбдор 30 кун” доирасида шарбат билан суғориш учун чириган маҳаллий ўғит жамғариш, ёўза қатор ораларига ишлов бериш, ёўза зараркунандаларига қарши биологик ишловлар ўтказиш, ўсиш ва ривожланишдан қолган “қолоқ” ёўза майдонларини азотли минерал ўғитлар билан қўшимча озиклантириш, ёўза майдонларини чилпиш, ёўза майдонларини бегона ўтдан тозалаш, ёўза майдонларини шарбат билан суғориш, 2022 йил мавсумида пахтадан юқори ҳосилдорликка эришиш ва қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган агротехник тадбирларни амалга оширилиш ҳолатлари ўрганилди.

Йиғилишда, Пахтачилик кенгаши котиби, Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Отажонов томонидан бугунги кунда Пахтачилик кенгашининг Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳ томонидан жами 10 000 гектар ёки 100 фоиз пахта майдонлари ўрганиб чиқилганлиги, натижада ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари инобатга олинмасдан 127,7 га майдонда парваришлаб келинаётганлиги навларнинг мавжудлиги, бу эса умумий экилган пахта майдонларинг 0,01 фоизини ташкил этаётганлиги, 415 га пахта майдонлари турли зараркунандалар билан зарарланганлиги, шундан 300 га майдонда кўсак қурти, 115 га майдонда бедақандаласи мавжуд эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, жами пахта майдонларининг 11,1 фоизида суғориш режими бузилганлиги ва 530 га майдонда уруғчилик тизими бузилганлиги ва ишчи гуруҳ тавсиясига кўра 110 га майдонда экилган пахта ҳосилидан уруғликка олинмаслик чоралари кўрилаётганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, Ишчи гуруҳ кўрсатмасига асосан тумандаги 800 га уруғчилик пахта майдонларида тозалаш (бегона навларни чиқариб ташлаш) ишлари амалга оширилган, узоқ йиллар (8-10 йил) давомида

3500 га майдонда бир хил нав экилган навлар ўрнига 3 та янги ва истиқболли навлар алмашлаб экилиши, ҳар бир навнинг навдорлигини тиклаш мақсадида 5 та пахта навлари 2-5 мингтадан танлаб олиниб, унинг навдорлиги тикланиши режалаштирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бир қаторда, Ишчи гуруҳ томонидан Пахтачилик кенгашининг 2022 йил 12 июлдаги 3-сон йиғилиш баёнида белгиланган топшириқлар бўйича амалга оширилган ишлар бўйича маълумот берилди. Унга кўра, баёнда кўзда тутилган умумий 12 банддан иборат 26 та топшириқларнинг ижроси бўйича йўл қўйилган камчиликлар Пахтачилик кенгаши томонидан таъкидлаб ўтилиб, ижро муддати ўтиб кетаётганлиги, вазифалар тўлалигича бажарилмаганлиги боис ишчи гуруҳ раҳбари А.Холов огоҳлантирилди.

Пахтачилик кенгашининг Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги сайёр йиғилиши давомида “Poly Tex Sirdaryo” МЧЖ га қарашли пахта қабул қилиш пунктларининг жорий ҳолатлари ўрганиш ишлари олиб борилди.

Унда, Пахтачилик кенгаши аъзолари пахта қабул қилиш пунктидаги жорий пахта қабул мавсумига тайёр эмаслиги, жумладан пахта қабул қилиш ғарам майдонларининг ҳосилни қабул қилишдаги техник ҳолати жуда ҳам қониқарсизлиги, айрим ғарамлар устида қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги, кечки ёритиш тизими талаб даражасида эмаслиги, ёнғин хавфсизлигига риоя этилмаганлиги, бунда ўт ўчириш машиналарининг шай ҳолатда эмаслиги ва баъзи майдонлар ёқиб юборилганлиги (бегона ўтлар ва турли аҳлатлар ёқилган), сув насослари ва ҳовузнинг ишчи ҳолатда эмаслиги, электрон тарозининг ягона маълумотлар базасига уланмаганлиги, мувофиқлик сертификатларининг мавжуд эмаслиги, транспортерлар ушбу пахта қабул қилиш мавсумига етарлича эмаслиги ва ҳудудда пахта терув машиналарининг жойлаштирилганлиги каби бир қатор камчиликлар аниқланди.

Шунингдек, Пахтачилик кенгаши пахта экилган майдонларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш давомида, Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани Т.Ғуломов ҳудудида “Poly Tex Sirdaryo” МЧЖ га қарашли 14 га майдонда экилган “Генофонд-2” ҳамда 5 га майдонда экилган “Нисо” ғўза навлари экилган пахта майдонларини кўздан кечирдилар. Ўрганишлар натижасига кўра ушбу ҳудуд тўлалалигича қора шира билан зарарланганлиги, ўз вақтида зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлар қўлланилмаганлиги аниқланди. Пахтачилик кенгаши аъзолари томонидан ушбу ҳудуддан олинadиган ҳосилдорликни даставвал, алоҳида ғарамда сақлаш, кейинчалик

кимёвий усулда туксизлантириш чора-тадбирларини амалга оширға кўрсатма берилди.

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёргарлик ишларининг натижадорлигини ошириш мақсадида Пахтачилик кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Пахтачилик кенгашининг 2022 йил 12 июлдаги 3-сон йиғилиш баёнида белгиланган топшириқларнинг ўз муддатларида бажарилишини таъминламаганлиги, ижро муддати ўтиб кетганлиги, вазифалар тўлиқ бажарилмаганлиги учун ишчи гуруҳ раҳбари А.Холов **огоҳлантирилсин.**

Бунда, ишчи гуруҳ раҳбари кўрсатилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб, юклатилган вазифаларни тўлақонли бажарилганлиги юзасидан **бир ҳафта муддатда** Пахтачилик кенгашига ёзма ахборот киритиши кўзда тутилсин.

**2.** Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари (Д.Абдурахмонов)га Пахтачилик кенгашининг 1-16-сон баёнларидан фақатгина 2 таси ижрога йўналтирилганлиги (вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ахборотиға кўра), Сайхунобод тумани ҳокимлиги томонидан Пахтачилик кенгашининг 2022 йил 12 июлдаги 3-сон йиғилиш баёнида белгиланган топшириқларнинг тўлиқ ижроси таъминланмаганлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

Бунда, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва Сайхунобод тумани ҳокимлиғига **бир ҳафта муддатда** Пахтачилик кенгашининг баёнларида кўрсатилган топшириқларни ижрога йўналтириб, амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли маълумотномани Пахтачилик кенгашиға киритиш вазифаси юклатилсин.

**3.** Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги “Poly Tex Sirdaryo” МЧЖ пахта-тўқимачик кластери пахта қабул қилиш пунктининг жорий ҳолатини ўрганиш натижаларига кўра қуйидаги йўналишларда аниқланган камчиликлар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин:

пахта қабул қилиш пунктидаги жорий пахта қабул мавсумига тайёр эмаслиги, жумладан пахта қабул қилиш ғарам майдонларининг ҳосилни қабул қилишдаги техник ҳолати жуда ҳам қониқарсиз ҳолатда эканлиги;

айрим ғарам майдонлари ўрниға бошқа бино-иншоотлар қуриш ишлари олиб борилаётганлиги;

кечки ёритиш тизими талаб даражасида эмаслиги, пахта қабул қилиш пунктини тўлиқ ёритиш имкониятиға эға эмаслиги;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилмаганлиги, бунда ўт ўчириш ускуналари шай ҳолатда эмаслиги;

пахта қабул қилиш пункти ҳудуди турли бегона ўтлар ва аҳлатлар (чиқиндилар)дан тозаланмаганлиги;

сув насослари ва ҳовуз ишчи ҳолатда эмаслиги;

электрон тарозининг ягона маълумотлар базасига уланмаганлиги;

мувофиқлик сертификатлари мавжуд эмаслиги;

транспортлар ушбу мавсумда кутилаётган пахта қабул қилиш ҳажмига мутаносиб эмаслиги (етишмаслиги);

пахта қабул қилиш пункти ҳудудида кўплаб пахта териш машиналари тартибсиз ва ёнғин хавфсизлиги талабларига зид равишда жойлаштирилганлиги.

**Пахтачилик кенгаши** (Д.Абдурахмонов, Г.Қутлиева), **Пахтачилик кенгаши қошидаги Сирдарё вилояти Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳ** (А.Холов) **уч кун муддатда** “Poly Tex Sirdaryo” МЧЖ пахта-тўқимачик кластери пахта қабул қилиш пунктида аниқланган камчиликларни бартараф этилишини ва амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида Пахтачилик кенгашига тегишли маълумот киритилишини таъминласин.

Бунда, шу жумладан **“Пахтасаноат илмий маркази”** АЖ (Т.Кулиев) томонидан мазкур пахта тозалаш пунктининг жорий йил пахта мавсумига тайёрлаш юзасидан илмий марказ томонидан ишчи гуруҳ таркибига жалб этилган масъул ходимга нисбатан огоҳлантириш берилиб, камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этилганлиги юзасидан фото-видеоматериалларни тақдим этиш кўзда тутилади.

**4. Пахтачилик кенгаши қошидаги Сирдарё вилояти Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳ** (А.Холов) **Пахтачилик кенгаши** (Г.Қутлиева, Д.Абдурахмонов) билан биргаликда **уч кун муддатда** Ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган ишлар натижадорлиги, жумладан, ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари инобатга олинмасдан экилган навлар ва майдони, навлар нотўғри жойлаштирилган майдонларнинг улуши тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни қайта кўриб чиқиб, Пахтачилик кенгашига тақдим этсин.

**5. Пахтачилик кенгаши қошидаги Сирдарё вилояти Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳ** (А.Холов) **Пахтачилик кенгаши** (Д.Абдурахмонов, Г.Қутлиева) билан биргаликда **уч кун муддатда** Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида пахта уруғчилиги, нав танлаш, ерга ишлов бериш, биостимуляторларни қўллаш, ўғитлаш, ғўза

касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш ҳамда самарали суғориш тизимига оид китоб-албом тайёрлаб, Пахтачилик кенгашига киритсин.

**6. Пахтачилик кенгаши (В.Автономов) бир кун муддатда Сайхунобод тумани ҳудудида экиш учун энг мақбул (шўрга чидамли) навларни танлаш ва жорий этиш бўйича асосланган хулоса ва таклифларини Пахтачилик кенгашига киритсин.**

**7. Пахтачилик кенгаши (Д.Абдурахмонов, Г.Қутлиева), Пахтачилик кенгаши қошидаги Сирдарё вилояти Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳ (А.Холов) беш кун муддатда Сирдарё вилояти учун мақбул, районлаштирилган ва иқтисболли навларни танлаб, келгуси йил учун “танловли кўчатзор”ни талаб даражасида ташкил қилиш режасини киритсин.**

**8. Пахтачилик кенгаши (Г.Қутлиева, Ф. Хасанова, Ш. Намозов) “Poly tex Sirdaryo” МЧЖга қарашли пахта экилган майдонларга хизмат кўрсатувчи Сайхунобод туманида тажрибаси сифатида фаолияти кўрсатадиган Пахтачилик Кенгаши ҳузуридаги “Think tank” гуруҳини ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин.**

**“Poly tex Sirdaryo” МЧЖ (Д.Абдурахмонов) ушбу гуруҳ фаолият юритиши учун барча шароитларни яратиш чораларини кўрсин.**

**9. “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ (Т.Кулиев), Пахтачилик кенгаши қошидаги Сирдарё вилояти Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳ (А.Холов) Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти билан биргаликда институтда ишлаб чиқилган такомиллаштирилган 138 аррали жин ишчи камерасини “Poly tex Sirdaryo” МЧЖ пахта тозалаш заводида синовдан ўтказиш чораларини кўриб, натижаси юзасидан Пахтачилик кенгашига маълумот киритсин**

**10. Пахтачилик кенгаши қошидаги Сирдарё вилояти Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳ (Ўсимликлар карантини бўйича масъул) “Poly tex Sirdaryo” МЧЖ (Д.Абдурахмонов) билан биргаликда уч кун муддатда Сайхунобод туманида қорашира тушган пахта майдонларини контурлар кесимида аниқлаб, унинг тарқалиши сабабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда келгусида энг мақбул қайта ишлаш технологиясини ўз ичига олган таклифларни Пахтачилик кенгашига киритсин.**

**11. “Пахтасаноат илмий маркази” “Poly tex Sirdaryo” МЧЖ (Д.Абдурахмонов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2022 йил пахта йиғим-терим мавсуми олдидан уруғлик пахта экилган майдонлардаги ҳосилни тўғри ва сифатли йиғиб олиш ва уни сақлаш**

бўйича фермер хўжаликлари иштирокида семинар-тренинг ташкил этсин.

**12. Фанлар академиясининг Микробиология институти** (Г.Қутлиева) Сайхунобод туманида синов тариқасида фойдаланилган биостимулятор ва унинг таъсири юзасидан чуқур таҳлил ўтказиб, натижаси юзасидан Пахтачилик кенгашига маълумот киритсин.

Бунда, Сайхунобод тумани “Poly Tex Sirdaryo” МЧЖ га қарашли “Sayxun vend” ижарачи фермер хўжалигининг 107-сон контурида ғўзанинг “Равнақ-1” нави экилган пахта майдонида зараркунандаларга қарши қўлланилган институт томонидан ишлаб чиқилган препарат таъсирини ўрганиш мақсадида 5 га майдон танлаб олиниб ва препарат қўлланилмаган 5 га майдон ҳосилдорлиги таққосланиши ва ҳосил прогнози кўзда тутилсин.

Шунингдек, “Poly tex Sirdaryo” МЧЖ (Д.Абдурахмонов) Сайхунобод тумани “Poly Tex Sirdaryo” МЧЖ га қарашли 249-сон контурда ғўзанинг “Бухоро-102” нави экилаган 24,9 га пахта майдонда бедақандаласига қарши қўлланилган биостимулятор натижадорлигини аниқлаш мақсадида Пахтачилик кенгаши қошидаги Сирдарё вилояти Сайхунобод туманига бириктирилган ишчи гуруҳ иштирокида ҳосил йиғиб олинишини таъминлансин.

**13.** Сайхунобод туманида аниқланган камчиликлар мисолида барча туманларда тегишли чораларни кўриш Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасига юклатилсин.

**14.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вилоятлар қишлоқ хўжалик бошқармалари, туман ҳокимлари Пахтачилик кенгаши томонидан пахта хомашёсини қабул қилиш объектларида ўрганишлар натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида ўзлари масъул бўлган ҳудудларда тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

**15.** Мазкур баён топшириқларининг ўз муддатида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Пахтачилик кенгаши бошқарув гуруҳига юклатилсин.

Пахтачилик кенгаши котиби



Ш.Отажонов